

Yahyo U. ABDURAHMONOV,

Doctoral Student of the International

Islamic Academy of Uzbekistan,

Lecturer of the "Tahfizul Qur'an"

Department of the Tashkent Islamic Institute.

Qarasaroy str. 41, 100069, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: hanafiyuz@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-1/8

ФАТВОНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

SOCIAL SIGNIFICANCE OF FATWA

СОЦИАЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФЕТВЫ

КИРИШ

XXI аср воқелиги ўзининг бутун жаҳон халқларининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзига кундан-кун, янгидан-янги воқеа ва ҳодисаларни тақдим этаётгани билан хусусиятланмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, янги халқаро ва «ижтимоий муаммолар» уларга ечимлар топишнинг янгича методлари ва йўллари кидириб топишни тақозо этади. «Ижтимоий муаммо»лар ёки «социал муаммолар» масаласи кишилик жамиятида соҳа сифатида XIX асрнинг бошларида Ғарбий Европа давлатларида бойликларнинг тақсимланишидаги тенгсизликлар билан боғлиқ масалалар ва саволлар асосида шакллана бошлаган бўлиб, секин-аста социология фанининг тизимланишига пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Социология фанининг предмети ва ўрганиш объекти ҳисобланган мазкур муаммоларни тадқиқ этиш жараёнида бу соҳага доир қатор ёндошув усуллари ишлаб чиқилди. Социал патология, муаммоларни ёритишнинг анъанавий усули, социал дезорганизация ёндошуви, функционал ёндошув, алтернатив ёндошув, объектив ва конструктив ёндошувлар шулар жумласидандир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дунёнинг турли мамлакатларида юзага келиб қолган жиддий ва долзарб «ижтимоий муаммолар» сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- камбағаллик ва ижтимоий тенгсизлик;
- алкоголизм ва гиёҳвандлик;
- диний экстремизм, террорчилик, одам савдоси;

- жинойтчилик;
- тарбия масаласидаги эътиборсизлик, ёлғизлик, етимлик;
- соғлиқни сақлаш, соғлом авлодни тарбиялашда турмуш тарзи ва таълим орасидаги бирдамлик муносабатларига эътиборсизлик;
- турли гуруҳлар, оқимлар томонидан носоғлом турмуш тарзининг тарғиб қилиниши, бир жинсли никоҳлар;
- ҳар қандай хоҳиш-истакларнинг эркинлик, дея талқин этилиши,
- ишсизлик ва халқаро миграция;
- чет тилларни билмаслик ва таълим олиш муаммолари;
- мигрантларнинг диний-ҳуқуқий муаммолари (виждон эркинлиги, никоҳ, чет эллик аёллар билан бирга яшаш, бола тарбияси, талоқ, ажрашишлар);
- вояга етмаган қизларни эрта турмушга узатиш;

- жинсий йўл билан юқадиган касалликлар (хламидиоз, генитал герпес, попилломовирус, цитомегаловирус ва бошқалар) билан касалланган беморлар сонининг ошиб бориши кабилар.

Бу каби ижтимоий муаммолар бугунги кунда халқаро ҳамжамият олдида пайдо бўлиб, жамият тараққиёти учун жиддий таҳдид (Мусурмонқулов О., 2015:32) солаётган ва ўз ечимини топишни қатъий ва жиддий талаб этаётган долзарб масала сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, бу каби ечилмаётган, ўз жавобини топа олмаётган саволлар ортида миллионлаб инсонларнинг ҳаёт-мамот масалалари туради. «Маънавий иллатларнинг юзага келиш сабаблари турлитуман бўлгани каби уларнинг сони ҳам шу қадар чексиздир» (Мусурмонқулов О., 2015:21).

Дунёнинг илғор давлатлари халқаро ва давлат қонунчилиги асосида қатор мамлакатлардаги бу кескин ижтимоий муаммоларни бартараф этиш йўлида талайгина ижтимоий-ҳуқуқий ишларни амалга ошираётган бўлса-да, бироқ бу қабул қилинаётган қарор ҳамда резолюциялар масалаларнинг ижтимоийлашув ва адаптациялашиш жиҳатларида ҳар доим ҳам қутилган натижаларни бера олмаётган.

Иқтисодий-молиявий таъминланганлик, яшаш шароитларининг мўътадиллашувига эришишга интилаётган инсонлар ривожланган давлатларга бориш ва у ерда мигрантлик шароитларини бошдан кечириш жараёнида қўплаб муаммоларга

Аннотация: Ушбу мақолада XXI асрга келиб кундан-кунга турли кўринишларда намоён бўлаётган глобал ижтимоий муаммоларга ечимлар топишнинг механизмларидан бири бўлган диний фатво бериш мавзусига доир фикрлар билдирилади. Мақолада ижтимоий муаммоларнинг «жамият тараққиёти учун жиддий таҳдид» солаётган ва ўз ечимларини топишни талаб этаётган масала сифатида намоён бўлаётганлигига эътибор қаратилади ва социология фанининг тадқиқот усуллари қаторида мусулмон жамиятини бошқариш механизмларидан бири сифатида диний фатволарнинг ижтимоий ролига эътибор қаратилиши ҳам долзарб масалалар сирасига киритилиши лозимлиги очиб берилади. Жамиятда тинчлик-барқарорлик бардавомлигини таъминлашда мусулмон уламоларининг, муфтийларнинг чиқараётган фатволари мусулмонлар турмуш тарзини тартибли бошқариш жараёнида алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланади. Жаҳоннинг йирик ва машҳур фатво марказлари томонидан чиқарилаётган фатволарнинг муаммолар бўйича пайдо бўлаётган саволларга жавоб беришдаги роли ва ўрни мавзу бўйича амалга оширилган тадқиқот ишлари хулосалари асосида таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: ижтимоий, социал муаммо, социология, патология, анъанавий усул, социал дезорганизация ёндашуви, функционал ёндашув, альтернатив ёндашув, объектив ва конструктив ёндашувлар.

Abstract. This article presents opinions on the topic of issuing religious fatwa, which is one of the mechanisms for finding solutions to global social problems that are manifested in various ways in the 21st century. The article draws attention to the fact that social problems pose a «serious threat to the development of society» and requires finding their own solutions, and it is revealed that among the research methods of sociology, attention should be paid to the social role of religious fatwas as one of the mechanisms of managing the Muslim society. It is emphasized that fatwas issued by Muslim scholars and muftis are of particular importance in the process of orderly management of the lifestyle of Muslims in order to maintain peace and stability in the society. The role and place of fatwas issued by large and famous fatwa centers in the world in answering the questions arising on the problems were analyzed based on the conclusions of research conducted on the topic.

Keywords: social, social problem, sociology, pathology, traditional method, social disorganization approach, functional approach, alternative approach, objective and constructive approaches.

Аннотация: В данной статье говорится о теме фетв, которые являются одним из механизмов религии по поиску решений глобальных социальных проблем, которые в разных формах проявляются каждый день в XXI веке. В статье обращается внимание на то, что социальные проблемы выступают как серьезные угрозы развития общества и требуют решения, а среди методов исследования социологии религиозные фетвы как один из механизмов управления мусульманским обществом имеют социальную роль. Подчеркивается, что фетвы, издаваемые мусульманскими учеными и муфтиями, играют особую роль в процессе упорядоченного управления мусульманским образом жизни в целях обеспечения мира и стабильности в обществе. На основании выводов исследования, проведенного по теме, представлена роль и место ответов на вопросы по проблемам изданных фетв известных и знаменитых центров фетв мира.

Ключевые слова: социум, социальная проблема, социология, патология, метод, позиция социальной дезорганизации, функциональная позиция, альтернативные яркие, объективные и конструктивные позиции.

дуч келмоқдалар. Маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланиб келган урф-удумлари кўчиб келган инсонлар гуруҳларининг ҳам шу жамият тамойилларига риоя қилишларини талаб қилаётгани ижтимоий вазиятнинг кўп ҳолларда кескинлашувини келтириб чиқармоқда.

Кишилар орасидаги тушунмовчиликлар сабаблари кўп ҳолларда диний эътиқодига кўра мусулмон ёки бошқа дин вакилларининг умуминсоний, башарий диний тамойилларни чуқур билмаслик, ҳар-бирларининг виждон эркинлиги ҳуқуқлари тенг эканларини ҳурмат қилмаслик каби ёндашувларга бориб тақалмоқда. «Демак, кишилар онгида ижтимоий-маънавий мафқурани ва миллий ғояни шакллантириш тарихий заруриятдир. Бу жараёнда, ижтимоий-маънавий

мафкура ва миллий ғоянинг аҳамияти бекиёс» (Мусурмонкулов О., 2015:21).

Шу жиҳатдан қаралганда, мусулмон уламоларининг чиқараётган фатволари мусулмонлар турмуш тарзини тартибга солиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этиши яққол кўринади. Фатволар ижтимоий муаммоларга жавоб беришда, уларнинг туб моҳиятини очиб беришда, мазмунини баён этишда, шаръий асосларини далиллаб бериш кабиларда катта аҳамиятга эга.

МУҲОКАМА

Ҳозирги кунда бутун дунёда яшаётган инсонларнинг тахминан учдан бир қисми ислом динига эътиқод қилувчи кишилар экани эътироф

этилмоқда. Мусулмонларнинг турмуш тарзи диний шариат аҳкомлари ва арконларини адо этиш асосида йўлга қўйилган.

Асрлар мобайнида давом этиб келаётган бу анъаналарнинг бардавомлигини таъминлашни режали ва тўғри ташкиллаштириш мақсадида жаҳоннинг йирик мусулмон фатво марказлари ташкил этилган. Улар фаолиятининг асосий мақсади ўзлари истиқомат қилиб турган минтақалар мусулмонлари турмушларида юзага келаётган янги ҳодисаларга соф диний муносабат билдириб, уларни ҳал қилишга ёрдам беришдир.

Бундай фатво марказларига мисол қилиб «Америка мусулмонлари Фатво маркази» (Копенгаген), «Саудия Арабистони Доимий Фатво Қўмитаси», «Миср Фатво уйи», Қатар Эҳсон ва ислом масалалари Вазирлиги, Туркия диний ишлари Бошқармаси (Diyanet), Индонезия уламолар кенгаши, Индонезия мусулмон аёллари Конгресси, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси Фатво маркази каби йирик фатво чиқарувчи нодавлат ташкилотларни келтириш мумкин.

Социал-ижтимоий муаммоларга ечим топишда Тунис, Туркия ва Миср мамлакатларининг диндорлари ва ҳукуматлари орасида яқин ҳамкорлик ва уларнинг сиёсатларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаётганлик кузатилади» (Мамадиев Б., 2020).

Қозоғистон Республикасида ижтимоий муаммолардан бири саналган экстремизмга қарши курашиш ва уни келтириб чиқарувчи иллатларни бартараф этиш масаласида қандай ишлар олиб борилаётгани борасида Талғат Смағулов ўз мулоҳазаларини шундай баён этади: «Кўплаб аналитик тадқиқотлар натижаси шуни исботлайдики, экстремизмнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи чет эллик тарғиботчилар ва ўзларини диний арбоб қилиб кўрсатаётган кўпурувчилар томонидан чиқарилаётган норасмий фатволардир. Уларни динга даъват ва миссионерлик йўллари билан экстремистик мафкурага қарши иммунитетга эга бўлмаган, диний билимлардан беҳабар ва асл мусулмон ҳуқуқининг нималигини билмайдиган омма орасига сингдирилиши Қозоғистон мусулмонлари орасидан айрим шахсларининг радикал хатти-ҳаракатларига сабаб бўлди. Қозоғистон мусулмонларининг мафкуравий ҳимояланмагани оқибатида «Тоғут ва санамларга сиғинувчилар»га қарши кураш» шиори остида республика фуқароларига қарши қаратилган қатор террористик актлар амалга оширилди ва

бундай жиноий ҳаракатларни содир этган шахслар ўз қилмишларини бажаришда ёлғон ва шубҳали манбалардан олинган «фатво»ларга таяниб иш кўрганлари маълум бўлди. Фатво чиқариш масалаларини таҳлил қилиш ва ўрганиш натижасида фатволар жамиятдаги диний жараёнларнинг мўътадил боришига, шунингдек минтақадаги барқарорликка катта таъсир кўрсатиши аниқланди. Мусулмон уламолари томонидан берилаётган фатволар жамиятдаги диний муҳитга таъсир кўрсатувчи механизм сифатида давлат органлари томонидан назорат қилиб борилишга эҳтиёж сезади» (Смағулов Т., 2014).

Т.Смағулов ўз фикрлари баёнида дин – давлат – халқ учлигининг бир муҳим жиҳатида эътибор қаратар экан шундай дейди: «Дин давлатдан ажратилган бўлса-да, аммо халқ диндан ажратилмаган» (Смағулов Т., 2014).

Дарҳақиқат, давлат бошқарувининг ҳам, диний бошқарувнинг ҳам объекти халқ ҳисобланади. Давлат қонунлари ҳам ва диний арконлар ҳам халқнинг осойишталиги, тинч-фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилади.

Экстремизм ва террорчилик ҳаракатларининг сабаб ва илдизларини топиш ҳамда уларга қарши курашиш бир муҳим ижтимоий муаммо бўлса, яна бир кўринмас маънавий муаммо жамият аъзоларининг ижтимоий феъл-атворлари ва ҳулқларининг салбий кўринишлар томонига қараб оғиб бориши масаласидир. Замонавий тезкор тараққиёт ижтимоий қатламлар сафларидаги анъанавий ришталарнинг мустаҳкамлигига путур етказишнинг қуролига айланаётгани шубҳасиз. Юқорида зикр этилганидек, ҳам давлат қонунларининг ҳам диний тамойилларнинг туб моҳиятидан беҳабар кимсалар атрофда содир бўлаётган ўзгаришларни тўғри таҳлил қилолмай интернет тармоқларида намоиш этилаётган паст савиядаги, ташқи кўриниши «фусункор», аммо аслида маънавий таназзулга етакловчи лаҳзали кўрсатувларни, маънан қашшоқ лаҳзаларни томоша қилишга ружуъ қўяди.

Аҳли сунна вал жамоа уламолари, муфтийлари чиқараётган фатволари аввало Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга, сўнгра уламоларнинг ижтиҳод йўли билан қабул қилган ҳукмлари асосида ўз давридаги муаммоларга ечим топиш вазифасини бажаришга йўналтирилган. Масалан: Ҳинд ўлкаларида ҳуқуқий ва иқтисодий-молиявий мавзулардаги кўп учраган муаммолар ёритилган асарларда, жумладан, 1356-1358-йилларда

хукмронлик қилган Насруллоҳ Ботухон сулоласидан бўлган Олтин Ўрданинг сўнгги хони Наврўзбекка бағишлаган Алоуддин Бухорийнинг «Ҳайрат ал-фуқаҳо» асари, Абу Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзебнинг (ваф. 1118/1707 й.) буйруғи билан Шайх Низомиддин Балхий бошчилигида йигирма уч нафар факих томонидан ёзилган «Фатовойи Оламгирия» ёки «Фатовойи Ҳиндия» (XVII) асарларида ўша даврда мавжуд бўлган муаммоларга катта эътибор қаратилган ва уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилинганлигини кўриш мумкин.

Л.Асророва «Ҳайрат ал-фуқаҳо» ва «Фатовойи Оламгирия» асарларининг қиёсий таҳлили номли мақоласида бу икки асарни таҳлил қилар экан, «Ҳайрат ал-фуқаҳо» асарида жами 29та оят, 199та ҳадис истифода этилганлигини, муаллифнинг кўпроқ Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик ва Имом Шофеийларнинг ҳужжат-далиллариға мурожаат қилганини, ҳанбалий мазҳаби вакиллари фикриға умуман мурожаат қилмаганини, унда келтирилган масалаларни муаллиф 103та турли хил ривоятлар билан бойитганини, Алоуддин Бухорий ўз асарида нафақат ислом дини масалаларини, балки ўрни келганда, аҳли китобларға оид масалаларни ҳам келтирганини, муаллиф 21та турли хил камёб масала ва ривоятлардан ҳам фойдаланганини таъкидлайди ва шундай ёзади: «Маълумки, мўғуллар босқинидан сўнг Мовароуннаҳр нафақат иқтисодий-сиёсий соҳаларда, балки диний соҳада ҳам бошқа юртларға нисбатан орқада қолди. Етарли илмға эға бўлмасдан фатво ва ҳукм чиқарадиганлар кўпайди. Араб тилида ёзилган асарларни халқ тушунмагани сабабли Алоуддин Бухорий ушбу асарини ёзишға киришади ва халқни қийнаб турган масала ва муаммоларни ҳал қилишни мақсад қилади. Шу сабабли, у халқ орасидаги амал қилиб келинган турли хил заиф фатво ва масалаларни аниқлаб, шу масалаларға шаръий жиҳатдан тўғри илмий далиллар бериш йўлини кўрсатади.» (Асророва Л., 2018)

«Имом Абу Ҳанифа берган фатволар сонини нисбий олиб қарайдиган бўлсак, «Фатовойи Оламгирия» асарида 658та, Имом Муҳаммад берган фатволар сони 710та, Абу Юсуфники 422та, шу уч имомнинг қилган иттифоқлари 195та, уларнинг ихтилофлари эса, 102та, Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммаднинг иттифоқи 279та, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг иттифоқи 246 та, Абу Юсуфнинг Абу Ҳанифа ва Муҳаммадға ихтилофи 108 та, Муҳаммад ва Абу Юсуфнинг иттифоқлари эса 273та, Абу

Ҳанифанинг икки имомға қарши берган фатволари 339та, мазҳаб уламоларининг қилган иттифоқлари 110та, Абу Ҳанифанинг бошқа мазҳаб уламолариға қилган ихтилофи 12та, тўрт мазҳаб уламоларининг ихтилофлари 15та экани аниқланди. Юқоридаги таҳлилий рақамлар имомлар, уларнинг фаолияти ҳақида нисбатан маълумотға эға бўлиш имконини беради. «Ҳайрат ал-фуқаҳо» асарида эса маҳаллий фатволарға алоҳида ўрин ва эътибор берилгани ҳам диққатға сазовор. Алоуддин Бухорий ўз асарида нафақат Бухоро ҳудудиға тегишли фатволарни, балки Самарқанд, Хоразм, Туркия, Насаф, Хуросон ва Балх мактаби фатволарини ҳам келтиради. Қиёсланаётган асарлар мавзуларини қиёсий ўрганиш даврнинг муҳим ижтимоий масалаларини аниқлашға хизмат қилади» (Асророва Л., 2018).

«Ҳанафий мазҳабининг ўзгаларда топилмайдиган ўзига хос бир жиҳати шундаки, мазҳабдаги фикҳий қоидалар ва фатволар машварат йўли билан таъсис этилган. Муғира ибн Ҳамза айтадилар: «Абу Ҳанифа (р.а)нинг у киши билан бирға китобларни таълиф этадиган асҳоблари қирқ киши бўлиб, улар буюкларнинг буюклари эди». Муваффиқ Маккий раҳимахуллоҳ айтадилар: «Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ўз мазҳабини машварат устиға қурган эдилар. Уларни қўйиб, бир ўзининг фикриға таянмас эдилар. Бу у кишининг диндаги ижтиҳоди, Аллоҳ ва унинг Расули ҳамда мўминларға нисбатан самимият маромиға етказганларидан эди. У киши масалаларни бирма-бир ўртаға ташлар ва ўз наздидаги гапни айтар эдилар. Бир ой ёки ундан кўп муддат мунозарадан сўнг бир тўхтамға келар эдилар, кейин Имом Абу Юсуф уни усулий қоидаларға битар, ҳатто, ҳамма усулни шу тарзда битиб тугатган эди. Мана шу афзалроқ ва тўғрироқ, ҳаққа яқинроқ, қалбға ўрнашувчанроқ ва покрокдир» (<https://islom.uz/maqola/591>).

Диний фатволар ташреий (шаръиат аҳкомларини баён этувчи), фикҳий (мусулмон фикҳи нормаларини тушунтирувчи) ва жузъий (ижтимоий турмушда келиб чиқиб қоладиган кутилмаган муаммоларға ечим топишға қаратилган ижтиҳодий фатволар), деган турларға бўлинади.

Жузъий фатволар макон ва давр ўзгариб бориши билан жамиятда пайдо бўлиб қоладиган навозиллар (қўққисдан чиқиб қоладиган масалалар)нинг шаръий жавобини топиб беришға қаратилади. Масалан, инсоният тарихида илгари содир бўлмаган коронавирус касаллиги сабабли қатор фатволар чиқарилди, жумладан

«Коронавирус билан ўлган маййитни ювишнинг ҳукми.

Одатда вафот этган мусулмон ғусл қилдирилиб, кафанланиб, жанозаси ўқилади, лекин касаллик тарқалган ва медицина маййитни ушлаган тирикларга ўтишини исботлаб турган бир вақтда маййит устидан сув қуйилиб, уни ишқаламасдан бирор чора қилиб сув етказилиши кифоя қилади. Бунда ғассолга касаллик юқмаслиги учун махсус камбинзон кийдириш, хонани дезинфекциялаш каби мутахассислар томонидан бериладиган барча чоралар қўлланиши керак бўлади.

Агар, маййит танасидан суюқлик оқиш хавфи бўлса, кафан устидан сув ўтказмайдиган материал билан яхшилаб ўраб қўйилиши шарт. Касалхонадан ювиб, ўраб чиқарилган маййит аҳллари масжиддан бошқа алоҳида жойда жаноза ўқиб, дафн қилишлари мумкин. Унга жанозани жамоатнинг энг кам миқдори бўлган икки киши ўқиса ҳам кифоя. Ҳатто, ғойбона жаноза ўқилиши ҳам жоиз. Буларнинг бари муқаддас динимизнинг юксак инсонпарварлик мақсадлари билан ҳамоҳанг ҳисобланади. Шунингдек, бунга шариатда эътиборли ҳужжатлар бор. Зеро, заруратлар таъқиқларни бекор қилади ҳамда зарурат керакли миқдорда эътиборга олинади» (<https://hidoyat.uz/36622>).

Эътиборли жиҳати шуки, бу фатвода биринчи навбатда динимизнинг юксак инсонпарварлик мақсадлари, сўнгра шариатдаги эътиборли ҳужжатлардаги «заруратлар таъқиқларни бекор қилади ҳамда зарурат керакли миқдорда эътиборга олинади» усул қондаси зикр этилади.

НАТИЖА

Воқеа-ҳодисалар аниқ бирор сабабга кўра содир бўлади ва кишилар ижтимоий онгида ҳамда солномаларда тарихий факт сифатида сақланиб қолади. Муайян фатвонинг юзага келишида унинг келиб чиқиши учун маълум бир сабаб мавжуд бўлади.

Фатво мавзусига оид маълумотларни таҳлил қилиш ва уларнинг ижтимоий илдизларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар бир фатвонинг пайдо бўлиш сабаби жамиятда юзага келган маълум бир воқеа-ҳодиса бўлади. Бу масаладаги фатво эса унинг оқибатида юзага келгани кўзга ташланади. Сабаб-оқибат боғланиши гарчи

фалсафий тушунча сифатида талқин қилинса-да, аммо узоқ асрлар давомида инсоният тафаккур тарзи принциплари орасида эътиборли тамойил сифатида қараб келинади. «Навозил» муаммолар сирасига бугунги кунда дунё халқлари турмушида кўзга ташланаётган ва жамият аъзолари орасида турли келишмовчиликларни келтириб чиқараётган қуйидаги кўринишларни киритиш мумкин:

Соғлиқни сақлаш соҳасида: танага турли нарсалар суратларини тушириш, кўз қорачиғини рангини ўзгартириш, лабни катталаштириш, қулоқни бир неча жойини, бурнини, лабини тештириш, тана терисини рангини ўзгартириш, шунингдек, буйрак, жигар ва юракни тиббий амалиётлар орқали алмаштириш, оғир касални қийналмаслик йўлида уни ажалини тезлаштириш каби ишлар.

Оила ва талоқ соҳасида: муслима аёлларни аҳли китобларга турмушга чиқиши, аёлларнинг маҳрамсиз сафар қилишлари, молиявий мақсадлардан келиб чиқиб талоқ қилиш, тўй маросимлардаги бидъат хурофотлар, оилаларда хотин-қизларнинг диний мажбуриятларига қаршилик қилиш, келинни мажбурлаб ишлатиш, фарзандига ноисломий исмлар қўйиш каби ишлар.

Спорт соҳасида: спорт турлари мусобақаларида ғалабани қўлга киритиш мақсадида таъқиқланган допинг маҳсулотларни истеъмол этиш каби ишлар.

Мулкий муносабатлар ва тижорат соҳаларида: ижара, насия, қарз, банк кредитлари, лизинг, закотни нотўғри ишлатиш, йўл, масжид, мадраса, шифохона, мактаб, боғча қурилишларига давлат ажратган сармояларни ноқонуний ва хилоф равишда ўзлаштириш, маҳаллаларга сув, газ, электр энергияси таъминотлари кириши бўйича ҳукумат режаларини бажарилишини пайсалга солиш каби ишлар.

Шахс ва жамият билан боғлиқ бўлган соҳаларда: Хотин-қизларнинг автоуловлардан фойдаланиши, гўшти ҳалол бўлмаган чорваларни сўйиб сотиш, мусулмонларни насронийлар қабрига ёки насронийларни мусулмонларнинг қабристонларига қўйилиши, аҳли китобларнинг байрамларини нишонлаш, эркаклар аёлларнинг кийимини кийиши ва аёллар эркакларнинг кийимини кийишлари каби ишлар.

Шу ва шунга ўхшаш масалалардаги ихтилофлар, қарама-қаршиликларнинг олдини олиш

мақсадида замон муфтийлари, қозилари ва олимлари томонидан замонга, асрга мос фатволар чиқариш долзарб бўлиб турибди.

ХУЛОСА

Ижтимоий фанлар ижтимоий кўринишларни илмий назарий тушунтиришда жамиятдаги социал воқеа-ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқ ришталарга алоҳида ижтимоий фалсафа соҳасида эътибор қаратади. Шу жиҳатдан олганда, ижтимоий фалсафа ишлаб чиққан илмий назариялар, қонуниятлар ва қоидалар жамият бошқарувининг илмий асоси бўлиб, ижтимоий бошқарув механизми саналади. Фатволар ҳам назарий ва амалий жиҳатдан диний жамоаларни ҳамда мусулмонларнинг ижтимоий турмуш тарзини бошқариш жараёнига ижтимоий таъсир кўрсатиш механизми сифатида қаралади.

Илмий-назарий йўналишларнинг ҳам, диний фатволар йўналишининг ҳам таъсир кўрсатиш объекти инсонлар бўлиб, уларнинг ижтимоий, диний-ахлоқий меъёрларга нисбатан бўлган талаб ва эҳтиёжлари фатвонинг шаклланишида ҳал қилувчи омил сифатида марказий ўринни эгаллайди.

Жамиятда рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг ижтимоий, жамоавий, ҳуқуқий, тарбиявий, маърифий, ахлоқий каби томонлари фатволарда ўз аксини топиши уларнинг таъсир кучини оширади.

Ҳар бир фатво аниқ бир ижтимоий воқелик билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлгани нуктаи назардан, фатвони ижтимоий муаммо билан боғлиқ равишда юзага келган ижтимоий ҳодиса, деб қараш ўринли бўлади.

Ижтимоий муаммолар қайси даврда пайдо бўлгани ва қайси жиҳатлари билан муҳим бўлганига қараб фатво чиқарилиши ўзаро мантиқан боғлиқликни очиб беради. Мусулмон диёрларида муаммоларга жавоб бериш масаласида мазҳаб имомларининг иjtиҳодлари муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг қилган иjtиҳодлари мураккаб ва чигал саволларга ечим топишда қимматли, чунки фатво чиқариш ўта масъулиятли ва салмоқли билимларни талаб қиладиган ишдир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Rubington E., Weinberg M.S. (eds.). (2003). Study of Social Problems: Seven Perspectives. N.Y. Oxford.

2. Rubington E., Weinberg M.S. (eds.). (1989). Study of Social Problems: Six Perspectives. N.Y. Oxford.
3. Алоуддин Бухорий. Ҳайрат ал-фуқаҳо. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси. Қўлёзма. № 1124.
4. Асророва Л. (2018). «Ҳайрат ал-фуқаҳо» ва «Фатовойи Оламгирия» асарларининг қиёсий таҳлили. Мақола. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/4941-ajrat-ul-fu-a-o-va-fatovoji-olamgiriya-asarlarining-ijosi-j-ta-lili>
5. Мамадиев Б.Б. (2020). Мусулмон давлатлари уламоларининг эртачи никоҳ ва кўпхотинлик ҳақидаги фатволари.
6. Мусурмонқулов О. (2015). Ижтимоий-маънавий муаммолар ва уларнинг ечимлари. Тошкент: «Маънавият».
7. Фуллер Р., Майерс Р. (2001). Стадии социальной проблемы // Контексты современности – II: Хрестоматия. Сост. и общ. ред. С. А. Ерофеева. Казань: Изд-во Каз. ун-та.
8. Хилгартнер С., Боск Ч. Л. (2000). Рост и упадок социальных проблем: концепция публичных арен // Средства массовой коммуникации и социальные проблемы: Хрестоматия. / Сост. И. Г. Ясавеев. Казань: Изд-во Каз. ун-та.
9. Зарубина Ю.Н., Серова Е. А. (2021). Социальные проблемы современного общества.
10. islom.uz. Суннатнинг усулул фикҳдаги ўрни ва унинг асосида мазҳабларнинг келиб чиқиши. <https://islom.uz/maqola/591>.
11. Смагулов Т. (2014). Религиозные постановления (фетвы) - метод профилактики религиозного экстремизма.

REFERENCES

1. Rubington E., Weinberg M.S. (eds.). (2003). Study of Social Problems: Seven Perspectives. N.Y. Oxford.
2. Rubington E., Weinberg M.S. (eds.). (1989). Study of Social Problems: Six Perspectives. N.Y. Oxford.
3. Alauddin Bukhari. Hayrat al-fuqaha. Library of the Muslim Board of Uzbekistan. MS 1124.
4. Asrorova L. (2018). «Hayrat al-fuqaho» va «Fatovoyi Olamgiriya» asarlarining qiyosiy tahlili. Article. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/4941-ajrat-ul-fu-a-o-va-fatovoji-olamgiriya-asarlarining-ijosi-j-ta-lili>
5. Mamadiyev B.B. (2020). Musulmon davlatlari ulamolarining ertachi nikoh va ko'pxotinlik haqidagi fatvolari.
6. Musurmonqulov O. (2015). Ijtimoiy-ma'naviy muamolar va ularning yechimlari. Tashkent: «Ma'naviyat».

7. Fuller R., Mayers R. (2001). Stadii socialnoy problemy // Konteksty sovremennosti – II: Khrestomatiya. ed. S.A.Yerofeyeva. Kazan: Izd-vo Kaz. un-ta.
8. Khilgartner S., Bosk Ch. L. (2000). Rost i upadok sotsialnykh problem: konsepsiya publichnyx aren // Sredstva massovoy kommunikatsii i sotsialnyye problemy: Khrestomatiya. / compiled by I.G.Yasaveyev. Kazan: Izd-vo Kaz. un-ta.
9. Zarubina Yu.N., Serova Ye. A. (2021). Sosialniye problemy sovremennogo obshchestva.
10. islom.uz. Sunnatning usulul fiqhda o'rni va uning asosida mazhablarning kelib chiqishi. <https://islom.uz/maqola/591>.
11. Smagulov T. (2014). Religiozniye postanovleniya (fetvy) - metod profilaktiki religioznogo ekstremizma.

